№ 51 (16.03.2007)

# ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ






**НАВРЎЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ, АРДОҚЛИ, АНЪАНАЛАРИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН, ҚАДИМИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ АВЛОДДАН-АВЛОДГА ЕТКАЗИШДА ЎЗИГА ХОС ОМИЛ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИГАН БАЙРАМИДИР. УШБУ ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНИБ КЕТДИ.**

*Транспорт*

## КОРХОНАДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Учтепа туманида жойлашган «Автотуртранс» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган «Наврўз—тинчлик тимсоли» мавзуидаги тадбир ҳам меҳр-оқибат айёмига бағишлаб уюштирилди.

Тадбирда корхонанинг қирқ нафардан ошиқ ходимлари, меҳнат фахрийлари, бир қанча меҳмонлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан ходимлар мижозлар билан олиб борилаётган шартнома асосидаги ишларнинг муваффақиятлари ҳамда баҳор ойи муносабати билан ишлаб чиқилган режаларнинг қулайликлари ҳақида фикр юритдилар.

— Корхонамизда Наврўз байрамини кўтаринки кайфиятда, байрамона руҳда кутиб олиш анъанага айланган,— дейди «Автотуртранс« МЧЖ корхонаси директори Отаназар Жуманиёзов. — Ҳар йили байрам арафасида, турли хил учрашувлар, тадбирлар, давра суҳбатлари, «Йилнинг энг яхши ҳайдовчиси», «Йилнинг энг яхши ходими» мусобақаларини уюштириб борамиз. Чунки Наврўз байрамларимиз ичида меҳр-оқибат янгиланишга йўналганлиги билан ажралиб тўради. Истаймизки, бу улуғ айёмда нафақат гўзаллик ва қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз нишонлансин, балки саховат йўлида ташланаётган ҳар бир қадамимиз, эзгуликка йўғрилган ишларимиз, яхшиликни шиор қилиб олган ҳар қандай хитобимиз тантана қилсин. Наврўз инсонлар қалбига энг гўзал ва муқаддас ҳисларни тортиқ қилсин, омад ва бахт сари етакласин. Муқаддас заминимиз осмонида қуёш доимо чарақлаб, она-Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин...

Шуни таъкидлаш жоизки, «Автотуртранс» МЧЖда юк автомобилларидан унумли фойдаланиш учун мижозларга турли хилдаги имтиёзлар ташкил этилган. Жорий йилнинг бошида мазкур корхона янги «Газель» автомашиналарини сотиб олди. Бугунги кунда йигирмадан ортиқ юк автомобиллари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Тадбирлар*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

**ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ НАВРЎЗИ ОЛАМНИ ҲАР БИРИМИЗ ДОИМО СОҒИНИБ, ЭНТИКИБ КУТАМИЗ.**



Чунки бу айём баҳона қалбимизда эзгулик руҳи ҳукмрон бўлади. Табиат уйғонади, ҳаммаёқ кўм-кўк либосга бурканади. Деҳқон ерга яхши ният ила уруғ қадайди. Дошқозонларда баҳорий таомлар — сумалак, ҳалим тайёрланади. Кўк сомса, кўк чучваранинг таъмидан ҳар биримиз баҳраманд бўламиз. Энг асосийси, Наврўз ҳар биримизга янги руҳ, янги қувват ва яхши кайфият инъом этади.

Наврўз шукуҳи кезиб юрган айни кунларда Ҳамза тумани ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида туман ҳудудида «Наврўзга чорлов» тадбири бошланди. Эътиборлиси шундаки, туман маданият уйлари санъаткорлари ҳар бир хиёбонга, кўчалару маҳаллаларга боришиб ҳамшаҳарларимизни карнай-сурнай садолари остида яқинлашиб келаётган янгиланиш, яшариш, эзгулик айёми Наврўзни муносиб кутиб олишга чорламоқдалар.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**СУРАТДА: «Наврўзга чорлов» тадбиридан лавҳа.**

## ҲАР БИР ДИЛДА НАВРЎЗ СУРУРИ

**БУГУНГИ ШУКУҲЛИ, АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДА ТОПАЁТГАН ДАМЛАРДА ДИЛИМИЗНИ ЯЙРАТИБ, ЎЗИГА БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТАЁТГАН ЖАРЧИЛАРНИ МАҲАЛЛАЛАРИМИЗДА УЧРАТИШ МУМКИН. УЛАР БЕЗАТИЛГАН ОТ-АРАВАЮ АВТОУЛОВЛАРДА КЎЧАЛАРНИ КЕЗИБ, БАҲОРНИ ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН ҚАРШИЛАШГА, БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ЧОРЛАМОҚДА.**

Ўзида самимийлик ва бирдамликни тараннум этувчи бу анъана халқимиз орасида асрлар оша эъзозланиб келинган ва, ўйлаймизки, унинг пурмаъноли ғояси бугунги кунда ҳам ўз ифодасини тўлақонли топмоқда. Зеро, шу нурафшон кунларда баҳор ифори, байрам кайфияти ҳар бир оилага кириб бораётганини англаш қийин эмас.

«Наврўз — ҳар бир уйда» лойиҳасининг ташаббускорлари эса шаҳримиздаги кўплаб маданият уйлари қошидаги ҳаваскор хонанда ва созандалардир. 12 мартдан бошлаб улар юздан зиёд халқ эртаклари қаҳрамонлари кўринишида пойтахтимизнинг кўчаю маҳаллалари бўйлаб баҳор билан боғлиқ ҳикматларни кўпчиликка улашиб, яхшиликнинг ёмонлик устидан албатта ғалаба қозониши, кун эса тунни енгиб ўтиши хусусида эртаклар сўйламоқдалар. Халқимизнинг бу тикланган урфи Наврўз киргунга қадар давом этади ва шубҳасиз, ҳар биримизни шу қутлуғ кунларни кўтаринки руҳда кутиб олишга чорлаб қолади.

Баҳор ва Наврўз нашидаси пойтахтимизнинг ташқи кўринишида ҳам ўз аксини топган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ободонлаштириш бош бошқармаси, Халқаро бизнес маркази, «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси томонидан шаҳарнинг анъанавий ташқи безаклари қаторига бир қатор янгилари ҳам киритилган. Бу нафақат турфа рангдаги байроқлар, кўкламга оид чорлов баннерлари ва ёритиш мосламаларидан иборат. Байрам тадбирлари бўлиб ўтаётган жойларда ўрнатилган «лолақизғалдоқ», «бойчечак», «елкан» шаклидаги 20 хил безакли янги мосламалар катта-кичикнинг эътиборини тортмасдан қолмаётир.

Шу ўринда шаҳримизда бўлиб ўтадиган асосий тантаналар ҳақида бир оз айтиб ўтиш жоиздир. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги «Наврўз» мажмуаси саҳнасида бўлиб ўтадиган кўклам шодиёналарининг бу сафар кўплаб янги дастурларга бой бўлиши кутилмоқда. Умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш штабидан олинган маълумотларга қараганда, катта саҳна доирасида Наврўзнинг асосий урфи — сайил кўринишлари намоён этилади. Етти мингга яқин томошабин 1,5 соат давомида қадимий анъанаю одатларимиздан қўшиқ, рақс, мусиқали саҳналар орқали воқиф бўлади. Эътиборлиси шундаки, барча бадиий дастурлар фонограмма асосида эмас, балки жонли равишда ижро этилади. Қўшиқчи ва ўйинчиларга халқ-чолғу ҳамда эстрада-симфоник оркестрлари жўр бўлади.

Наврўз байрами арафасида шаҳримиз маданият ва истироҳат боғлари ҳам ўз ҳудудларини байрамона безаш борасида бир-бирлари билан ўзига хос беллашув ўтказишга ҳозирлик кўрган деса бўлади. Буни шу кунларда дам олиш масканларига бевосита ташриф буюраётганлар ва айниқса болажонлар яхши тасаввур қилишаётир. Дарҳақиқат, Наврўз сайиллари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидан ташқари, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Бобур номидаги истироҳат боғлари, Халқлар дўстлиги саройи ва А.Навоий номидаги катта опера ва балет театри майдонлари олди, шаҳримизнинг 16 та шоҳкўча ва дам олиш жойларида бўлиб ўтади. Бу ерларда ташкил қилинган махсус саҳналарда профессионал ва ҳаваскор гуруҳлару хонандаларнинг куй-қўшиқлари янграйди, шунингдек кун давомида қизиқчилар, дорбозлар, полвонлар ҳам ўз чиқишлари билан кўпчиликни хушнуд этишади.

Бу йилги Наврўз «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўзгача кўтаринки руҳда ташкил этилади десак муболаға бўлмайди. Қайта таъмирланиб, барча қулайликларга эга бўлган талаба ёшларнинг турар жойларида Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети ва Тошкент Тиббиёт академияси маъмурияти билан биргаликда алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, бунда асосий эътибор талаба ўғил-қизларнинг истак-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда турли танлов тадбирларини ўтказишга қаратилади, шу жумладан бадиий чиқишлар, баҳор таомлари бўйича танловлар, спорт ўйинлари намойиш этилади. Ташкилотчилар 20 мингдан зиёд талабага Наврўз тантаналари кунлари сумалак, ҳалим, ҳар хил кўкатли таомларни махсус қадоқланган идишларда тортиқ қиладилар.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг асосий йўналиши — Ижтимоий ҳимоя эканлигини инобатга олган ҳолда Наврўз шодиёналари доирасида хайрия тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу ишлар бардавомдир. Кўплаб корхона, ташкилотлар, муассасалар, саховатли инсонлар — барча-барча, кимки ўксик қалбларни шод этиш ниятида бўлса — Меҳрибонлик ва мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг 3,5 мингга яқин тарбияланувчилари учун совға-саломлар билан байрам дастурхонлари безатиб, театрлаштирилган томошалар ҳам ташкил этмоқда. Наврўз кунлари инсонпарварлик ҳаракати айниқса маҳаллаларда авж олади десак адашмаймиз. Айни пайтгача 15 мингдан зиёд пенсионерлар, нафақахўрлар, якка-ёлғизлару ногиронлар, шунингдек кам таъминланган оилалар фарзандларига 155 миллион сўмлик ғамхўрлик кўрсатилди. Ижтимоий мададга муҳтожлар байрам дастурхонларига таклиф этилиб, уларга совғалар тақдим этилди. «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг шаҳар бўлими вакиллари 200 дан зиёд қарияларнинг уйларига бориб байрам билан қутлайдилар. Аҳмаджон Назаров номидаги маҳалла фаоллари эса Наврўзни 30-меҳрибонлик уйи болажонлари билан кутиб олиш ниятида бўлса, «2-Чархкамолон» маҳалласи ёшлари оқсоқоллар бошчилигида байрам дастурхонини анъанавий равишда 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун безатишга шайланган. Шаҳар «Маҳалла» жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, ҳар бир туманда ўтказилаётган хайрия акцияларининг 70 фоизи саховатли инсонлар маблағлари ҳисобига ташкил этилаётир. Бу борада ота-боболаримиз, она-момоларимизнинг байрам кунлари ва кейинчалик ҳам ўзганинг кўмагига муҳтож бўлган ҳеч ким эътибордан четда қолмасин, олижаноб инсонларнинг топганига эса халқимиз фаровонлиги йўлида барака берсин, деб қўл очган дуолари ижобат бўлишини тилаб қоламиз.

Наврўз баҳорнинг асосий таомлари — сумалак ва ҳалим билан файзлидир. Аждодларимиз (бу неъматлар минг йиллик тарихга эгадир) илк цивилизация пайдо бўлишидан анча аввал ҳам табиат инъомларининг шифобахш хусусиятларидан яхши воқиф бўлишган. Донишмандларнинг айтишича, илгарилари озиқ-овқат неъматлари бугунги каби бисёр бўлмаган. Бинобарин, турли касалликларнинг олдини олиш учун ҳар йили баҳор келиши билан ҳар бир оилада витаминли маҳсулотлар, айниқса буғдой асосида тайёрланган таомлар тановул қилиниши одатий ҳол ҳисобланган. Агар сумалак таркибига буғдой шарбати, ўсимлик ёғи ва ун кирса, ҳалимга энди униб чиқаётган буғдойнинг ўзи, сут ва мол гўшти солинади. Ушбу таомларнинг ҳаттоки 50 грамми ҳам инсон организмини йил давомида тегишли витаминлар билан таъминланиш учун етарли миқдордир. Табиат неъматларидан табиий равишда тайёрланган бу таомлардан ҳар бир киши татиб кўриши лозимлигига алоҳида урғу беришимиз бежиз эмас. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда темир моддаси билан бойитилган ун маҳсулотидан фойдаланиш тавсия этилаётир. Бу усул Ғарб давлатларида кенг қабул қилинган. Аммо, ўйлаймизки, авлод-аждодларимизнинг бу борадаги тажрибалари ҳам самарали эканлигига шубҳа йўқ, албатта.

Ҳар йили баҳор фасли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари билан кутиб олиниши халқимизда яхши анъанага айланиб қолган. 10-11 март кунларида уюштирилган Наврўз олди умумхалқ ҳашари эса барчамизнинг кўнглимизни пок ва шод қилди. Бир миллионга яқин пойтахтликлар саъй-ҳаракати билан 1838 гектар майдон, 903,5 километр ариқ ва зовурлар тозаланди, 200 мингдан зиёд турли кўчатлар экилди. Ҳашар кунларида 33 миллион сўмлик мурувват ёрдамлари ҳам кўрсатилди ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Аммо бугунги кунда ҳам серқуёш диёримизнинг кўпгина гўшаларида деҳқонлар байрамни далаю экинзорларда ерга ишлов бериб, янги кўчат экиш билан кутиб олаётганига кўп мисоллар келтириш мумкин. Бундай саъй-ҳаракатларда ҳам ўзига хос маъно бор: кўкламда экилган янги нав яхши ривож топиб, ҳосилдор бўлсин, шу билан бирга ҳар бир оила фарзанди соғлом ва қудратли бўлиб вояга етсин, деган ниятлар кўзда тутилган.

Наврўз, баҳор... Табиатнинг бундай тезўтар дамлари, шубҳасиз, ҳар биримизни яхшилик ва эзгуликка ундайди. Дарҳақиқат, баҳор келишини интиқиб кутиб, биз бамисоли ич-ичимиздан покланиб, ён-атрофдагиларга ҳам яхши кайфият улашишга, беғараз ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Юртимизда яна Наврўз эшик қоқмоқда. Шоду хуррамликлар ато этувчи бу кунни ҳар биримиз очиқ кўнгил ва пок ниятлар билан кутиб олайлик. Бундай олижаноб туйғулар бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## МАРҲАБО, МЕҲР ВА САХОВАТ АЙЁМИ !

**АДИР ВА ҚИРЛАРНИ ЯШИЛ БАХМАЛГА БУРКАБ, ДАЛА ВА МАЙДОНЛАРГА ЛОЛАДАН СИРҒА ТАҚИБ, ЎЙИНҚАРОҚ ҚИЗЛАРНИНГ БОШЛАРИГА ГУЛЛАРДАН ЧАМБАРАК, ТОЛ БАРГАКЛАРИДАН СОЧПОПУК ТАҚИБ, ЎЛКАМИЗ УЗРА РАНГ-БАРАНГ СЕПИНИ ЁЙИБ БАҲОРОЙ КЕЛДИ. ЎЗИ БИЛАН ҚУЁШЛИ КУН, ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТИДА ОРЗУ ВА УМИД, ДАЛАЛАР УЗРА ТАРАЛГАН ОФТОБ НУРИДА РИЗҚ-РЎЗ, КЎККА УЧИБ КЕЛАЁТГАН ТУРНАЛАР АРҒАМЧИСИДА ҚУТ-БАРАКА КЕЛТИРАЁТИР.**

Баҳор ўз ҳарорати билан деҳқонлар қалбига жўшқинлик ва ғайрат бағишлайди, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Ҳосилдор далаларга уруғ қадалади. Боғларимизга файз кириб, дарахт ва анвойи гуллари ўтқазилади. Эндигина яшил ўтлар униб чиқаётган қирларга чўпонлар қўй-қўзиларни олиб чиқишади. Ҳосилдор далаларимизни эса арпа-буғдой майсалари қоплаган. Буларнинг бари халқимиз ризқи, фарзандларимиз насибаси. Кун эрта тонгдан бошлангандек йил ҳам баҳордан бошланади. Баҳор ўзи билан эл-юртга қувонч келтирмоқда. Халқимизнинг азалий ва абадий байрамларидан бўлмиш Наврўз эса шу фаслнинг кўрки, безагидир. Бугун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида ана шу гўзаллик ва яшариш, янги йил, янги кун байрамини нишонлаш ишлари бошланиб кетди.

Жумладан, шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам Наврўз айёмига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мавсум олдидан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси ҳам 500 дан ортиқ манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазишди. Кўплаб аттракционларда таъмирлаш ҳамда бўяш ишлари амалга оширилди. Маълумки, Наврўз байрамини ўтказиш бўйича байрам саҳналаридан иккитаси ушбу оромгоҳга ўрнатилади. Шу муносабат билан байрам дастурлари намойиш қилинадиган очиқ эстрада саҳналарида ҳам байрамолди тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Боғда ўтказиладиган байрам халқ сайлида кўплаб эл севган санъаткорлар, бадиий сўз усталари, цирк артистлари ва яна бир қанча маданият ва санъат намояндаларининг чиқишлари режалаштирилмоқда.

Албатта асосий эътибор дам олувчиларга қаратилади. Уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари, ҳақиқий байрамона хуш кайфият ва қувонч туйғуларини уйғотиш учун турли хил ўйинлар ташкил қилинади. Боғдаги қаҳвахоналар, Наврўз таомлари ҳамда турли хил ширинликлар билан савдо қилувчи шохобчалар хизмат кўрсатади.

Боғдаги Наврўз байрамини Чилонзор туман ўқувчи ёшлар иштирокидаги болалар сайли бошлаб беради. Эстрада саҳналарида Республика ўқувчилар ижодиёти маркази, тумандаги мактабдан ташқари тарбия мажмуаси, мусиқа ва санъат мактаблари, мактабгача тарбия муассасаларининг бадиий-ҳаваскорлик дасталари ўзларининг байрам дастурларини намойиш қиладилар. Варрак учириш, болалар спорт мусобақалари ташкил қилинади.

Ҳа, ўлкамизда Наврўз нафаси кезмоқда. Келинглар,азизлар Наврўзга пешвоз чиқайлик. Қиш фаслида толиққан танлар яйрасин, диллар қувнасин, кўнгиллар ором олсин. Марҳабо, гўзаллик, яшариш, меҳр ва саховат байрами. Хуш келибсан, Наврўзи олам !

**Мирзааҳмад СОДИҚОВ**

### ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Поядин ортиқ киши урса қадам,**
**Бийм йиқилмоқдиру ранжу алам.**

Зинадан ортиқ оёқ босувчи кишининг иши йиқилиш, қийналиш, жабрланиш хавфлари остида қолишдир.

**Паёпай чучук сўз чу пайғом ўлур,**
**Анингдек ҳашан жонвар ром ўлур.**

Илонга ўхшаш заҳарли жониворни ҳам чучук сўз билан ром қилиш мумкин.

**Парвонани ишқ этмаса маст,**
**Урғайму ўзини ўтқа пайваст?**

Агар парвонани ишқ маст этмаса, ўзини ўтга урармиди?

**Пашизе агар тугди эрса лаим,**
**Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.**

Бир қора пул тутган хасиснинг доимий қўрқуви, ташвиши бу тугуннинг очилиши ва пулнинг сарф бўлишидир.

**Подшоҳким, бўлса ҳиммат ичра паст,**
**Келди ҳимматлиғ гадодин зердаст.**

Ҳиммати паст подшоҳ олиҳиммат гадодан тубандир.

Парвонага куймак ва ўртанмак ойин, булбулға нолау зор ва фарёди беихтиёрдин қайда таскин?

Парвонанинг тақдири куйиш ва ўртаниш, булбулга нолаю зору беихтиёр қилинадиган фарёддан таскин қайда?

Подшоҳ—мулк баданининг жонидур ва кўнгул—бадан мулкининг султони.

Мамлакат—бадан бўлса, подшоҳ—унинг жони ва бадан бир мулк бўлса, кўнгил—унинг султони.

**Пил ўлса сенинг хасминг, десангки,**
**зарар топмай,**
**Бир пашшаға оламда еткурма зарар**
**ҳаргиз.**

Душманинг филдай кучли бўлса ҳам, зиён топмай десанг, бу оламда ҳатто пашшага ҳам озор етказма.

**Пок раҳравлар била ҳар кимки бўлди**
**мухталит,**
**Шак эмастурким, натижа топмас илло**
**поклик.**

Пок йўлдан юрадиганларга эргашган киши покликдан бўлак натижа топмаслигига шак йўқ.

**Розни асра, чунки фош этдинг,**
**Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.**

Сирни маҳкам сақла, изҳор қилганингдан сўнг уни яширишни кутма.

**Ройи эсанг, тут бу нафас яхши пос,**
**Ҳар қўйини ўз оёғидин ос.**

Сақловчилик вазифасини устингга олган бўлсанг, вазифани яхши бажар, ҳар бир қўйни ўз оёғидин ос.

**Раиятга қилса қаламзан ситам,**
**Қаламзанинг илгини қилсун қалам.**

Халққа жабр қилувчи котиблар қўлини қаламдек кесиш керак.

* * *

**Ранжи бўлма тилаб ортуққи, эрур осуда**
**Улки, Хақ ҳар не насиб айлади,**
**хурсанд ўлмиш.**

Ортиқча молу дунё тилаб, ўзингни ўту чўққа урма. Худонинг берганига шукр қилиб яшайдиган кишининг кўнгли хотиржам бўлади.

**Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний.**

* * *

**Раҳмат озодағаки, ул олмас**
**Даҳр динору дирҳамин ғамға.**
**Лек лаънат ангаки, қул бўлғай**
**Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.**

Бу дунёнинг олтину кумуши деб қайғу чекмайдиган ҳиммати баланд кишига раҳмат бўлсин! Лекин хоҳ олтин, хоҳ кумуш бўлсин, унга қул бўлган кимсага лаънат бўлсин!

* * *

**Ростдур улким, назари тўғридур,**
**Ким илиги эгридур, ул ўғридур.**

Назари тўғри кишининг ўзи ҳам тўғри, қўли эгри кимса эса ўғридир.

**Рўзу солу маҳ умрат гар бар ғафлат**
**баргузашт,**
**Нест микдори даме, гардар ҳисоб**
**ори ҳаме.**
**Рафт худ аз рўзу солу моҳ рафта ҳосилат,**
**Эътимодат мондаро бинмуд даме з-он**
**ҳам каме.**
**Дил чи сон банди ба умре, к-аш**
**набошад эътимод,**
**Не ба соле, не ба моҳе, не ба рўзе,**
**не даме.**

Куну ою йил агар умринг ғафлатда ўтган бўлса, уларнинг барчасини ҳисоблаб чиқиш учун энди бир муддат ҳам фурсатинг йўқ. Куну ою йил билан бирга, умринг ҳосили ҳам қўлдан кетди, энди қолган бир дамлик, балки ундан ҳам кам умрингга эътимод қиласан: на лаҳзаси, на куни, на ойи, на йилига ишониб бўлмайдиган умрга қандай қилиб кўнгил боғлайсан?

**Сочмоқ очув бирла гуҳар от учун,**
**Накд этак бирла мубоҳот учун.**
**Ақл ҳисобидан эрур, бас, йироқ,**
**Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.**

Ном чиқариш учун пулни этак билан сочиш—ақлли кишининг иши эмас, бундан кўра бахиллик яхши.

**Сола олмас эл ошига бир нахуд гар;**
**Туз ўлмас унинг бирла эл ороси.**

(Баъзи кишиларни) халқ ошига бир дона нўхат солиш қўлидан келмайди. Лекин халқнинг қилгани унга маъқул бўлмайди.

**Совуқда қочибон ўт шуъласидин,**
**Тезак дуду сори қилмакдур оҳанг.**
**Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб;**
**Нишотойин хаёл истаб, емак банг.**

Майдан парҳез қилиб, наша чекиш, совуқда ўт шуъласидан қочиб, тезак тутунига боргандекдир.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

